Ушбу сонда:
2 ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҚВПЛАР
3 Республикамиз шаҳарлари ҚЎҚОН
8 СПОРТ ОЛАМИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 24 август, чоршанба № 136-137 (1978)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРМОҚДА ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Умумхалқ байрами арафасида республика тўқимачилик тармоғида олтита янги қўшма корхона ва иккита ўқув маркази фойдаланишга топширилади


Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон тўқимачилик саноатида босқичма-босқич таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, янги қувватлар ишга туширилмоқда, хорижий инвестициялар фаол жалб қилинмоқда. Хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди, самарали бизнес юритиш учун шароит яратилди, зарур молиявий, моддий, техник ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имконияти соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тўқимачилик саноати ривожига янги туртки берди. 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастури ҳам тасдиқланди.


Дастурга республика бўйича 94 та лойиҳа киритилган бўлиб, 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилган. Бу маблағлар корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, модернизация ва тўлиқ реконструкция қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш циклига эга корхоналар ташкил этишга йўналтирилади.

Бунинг самараси ўлароқ, 2005 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2,9 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 фоиз, экспорт ҳажми 7 фоизга кўпайди.

Бундан ташқари, ички истеъмол бозорини бойитиш ҳамда экспорт кўламини кенгайтириш мақсадида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акционерлик компанияси корхоналарида кўплаб янги турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 14 миллион погон метр газлама, 657 миллион дона тикувчилик-тўқимачилик маҳсулоти ва 1,6 миллион донадан ортиқ чинни буюмлар шулар жумласидандир.



Бундай натижага, асосан, қўшма корхоналар, шу жумладан ўтган йили ишга туширилган 17 та қўшма корхона ҳамда бу йил Наврўз байрами арафасида иш бошлаган 5 та янги объект фаолияти туфайли эришилди.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида хорижий инвесторлар иштирокида яна 6 та объект фойдаланишга топширилади. 23 август куни мамлакатимиз пойтахтида улардан бири - «АйДемир текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. У «Паризод» масъулияти чекланган жамият базасида ташкил этилди. Лойиҳанинг умумий қиймати - 17,5 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 7,5 миллиони - хорижий инвестор маблағи, қолгани «Асака» банки кредити ҳисобидан молиялаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

ЙИРИК ИНШООТ ҚУРИЛИШИДА

Шукурларким, истиқлолдан сўнг ҳар соҳада эркимиз ўз қўлимизга ўтгач, ҳаёт, шароитимиз нимани талаб қилса, шунга қараб иш юритяпмиз. Наманган вилоятида аниқроғи, Чуст туманида "Резаксой" сув омбори иншоотини барпо этиш ғояси бундан анча йиллар олдин туғилган, аммо "юқори"дан бунга рухсат этилмасдан келганди. Эркимиз ўз қўлимизга ўтгач, эзгу ишнинг кечи йўқ, деганларидек, бу ишга қўл урилди. Ҳукуматимиз бунинг учун зарур маблағни ажратиб берди. Бугунги кунда Чуст ва Тўрақўрғон туманлари оралиғида ўз аҳамияти ҳамда сув сиғими жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда турадиган улкан ирригация иншоотини барпо этиш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Иншоот қурилишида мингдан ортиқ киши уч навбатда меҳнат қиляпти. 250 га яқин автомашина, 40 дан ортиқ экскаватор ва 44 та бульдозердан унумли фойдаланилмоқда. Иншоот битгач, бу ерда куз ва қиш ойларида бехуда оқадиган Сирдарё сувлари тўпланиб, бутун баҳор ва ёз ойларида адрлик ва қирлардаги юзлаб гектар янги ўзлаштирилган экинзорларни суғориш имконияти туғилади.

Шамсилло САТТАРОВ,
"Резаксой" сув омбори қурилиши бошлиғининг ўринбосари

ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАК ЯРАШАДИ

Мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлгани каби туманимизда ва шаҳсан мен бошчилик қилаётган жамоада ҳам истиқлол йиллари ўсиш ва ўзгаришлар даври бўлди. Янги барпо этилган мактаб ва мактабгача тарбия масканлари, коллежлар, маданий-маиший ва савдо тармоқлари, шифохоналар, аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, туман марказига Наманган шаҳридан троллейбус қатновининг йўлга қўйилиши шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги шодиёналарини меҳнатда катта зафарлар билан якунлашни ният қилган тўрақўрғонликлар давлатга пилла сотиш режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажардилар. 220,8 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳар қути ипак қурти ҳосилдорлиги 46,8 килограмни ташкил этди.

Давлатга 12130 тонна ғалла етказиб бериб, шартнома режасини бажарган ғаллакорлардан ортда қолмасликка интилаётган туман пахтакорлари бу йил 7970 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Ният ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 32,2 центнерга етказиш. Ҳозирда пахта далаларида олиб борилаётган залворли меҳнат, илғорлар тажрибасининг кенг қўлланилаётгани, намунали парвариш бу борада ҳам режа уддаланишидан дарак бермоқда.

Эришилаётган ютуқларга жамоамиз аъзолари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, хўжалигимизда ҳам пиллачилик ва ғаллачилик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар салмоқли бўлди. Хусусан, мен раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаси олдинги йилларда эришган ютуқларини янада мустаҳкамлаш, бу йил пахта ҳосилдорлигини гектаридан 50 центнерга етказиш учун зарур тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишмоқда. Фўза агротехника талаблари асосида парваришланганлиги туфайли мўл ҳосил тўпланди. Йиғим-теримга тайёргарлик ишлари бажариб қўйилди. Мақсадимиз бу йил ҳар қачонгидан мўл хирмон етиштириб, истиқлолимизнинг 14 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олишдир.

Абдураим ҲОМИДОВ,
Тўрақўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги бош пудратчиси

Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри марказида «Нуронийлар чойхо-

НУРОНИЙЛАРГА ТУҲФА

наси» фойдаланишга топширилди. Уни «Денов қурилиш» масъулияти чекланган жамияти ва «Оригинал А.Б.» хусусий фирмаси қурувчилари бунёд этди. Унда кексаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларнинг янги босқичи

МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ

Жамиятни янгилаш, демократлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдан пировард мақсад – инсон манфаатларини ҳимоялаш, унинг ҳак-ҳуқукларини, эркинликларини мустаҳкамлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида фуқароларнинг конституциявий ҳуқукларини кенгайтириш, суд-ҳуқук тизимини соддалаштириш, шахсни хибсга олиш, уни камокда ушлаб туриш каби бошка процессуал чораларни қўллаш масалаларига алохида тўхталди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш, уни инсонпарварлаштириш, либераллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси Адҳам ДАДАХОНОВ билан суҳбатимиз ҳам ушбу Фармоннинг қонунчилигимизда тутган ўрни, суд-ҳуқуқ тизимига таъсири, шахсни эркинлаштиришдаги аҳамияти ҳақида борди.

– Маълумки, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»да беш тамойил кўзда тутилган. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонун ва адолат устуворлигига эришиш фаолиятимиз мезони бўлиши зарурлиги алоҳида уқтирилган. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг узвий давоми эканлигини кўриш мумкин.

– Бинобарин инсон манфаатлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси доимо ислоҳотларнинг марказига қўйиб келинмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда судлов тизимини қайта қуриш, либераллаштиришда, инсон ҳуқуқлари муҳофазасида собиткадамлик билан иш олиб борилмоқда. «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-Процессуал кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Судлар тўғрисидаги, Прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг тавсифланиши бунга мисолдир. Ёки ўлим жазосининг аёлларга, 60 ёшдан ошган эркакларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланишнинг бекор қилиниши қонунчилигимизда инсоний қадриятларнинг юқори баҳоланиши, инсонпарварлик ғояларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромдир.

– Фармон давлатимизнинг бағрикенглигини намоён қилди. Лекин инсоф ва диёнат кўчасидан ўтмаган шахслар Фармонни ўқиб қандай тушунчага бораркин?

– Суд-ҳуқуқ тизимининг соддалаштириш ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашни кучайтириш эмас, аксинча жиноятларни содир этилишининг олдини олиш, бу билан жамият, фуқароларнинг тинчлиги, осойишталигини кўзлайди. Айтмоқчимизки, жиноятга йўл қўйган шахсга азоб бериш, камситиш таҳқирлаш эмас, уни ёмон йўлдан қайтариш, ҳаётини тўғри ўзанга солиш муҳимдир. Бу ерда қонунбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги ҳаммага аён бўлиши керак. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш принциплари шуни тақозо этмоқда. Ўлим жазоси бекор қилиниши, уни умрбод ёки узоқ муддатга қамоқ жазоси билан алмаштирилиши жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлайдиган ҳуқуқий таъсир чорасидир. Фармонда жазони ўташ тартиблари белгиланган. Яъни ўлим жазоси ўрнига умрбод қамоққа маҳкум этилган шахслар қилмишлари учун ҳукмни махсус тартибли ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

(Давоми 2-бетда)

«ТЎРТКЎЛТЕКС» ИСТИҚБОЛИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Амударё соҳилида «Тўрткўлтекс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси иш бошлади

Тўрткўл - Оролбўйидаги иктисодий салохияти мустахкамланиб бораётган туманлардан. Бу ерда курилиш, саноат, транспорт сохалари, ижтимоий тизим изчил ривожланмокда.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлган ушбу янги қўшма корхона «Тўрткўл тўқимачилик фабрикаси» ҳиссадорлик жамияти негизида ташкил этилди.

Тўқимачилик фабрикасида илгари асосан ипкалава ва хом сурп ишлаб чиқарилар эди. Корхона аҳли ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш мақсадида чет эл сармоясини жалб қилиб, янги технология асосида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

АҚШнинг «Би-Эр-Ай» (Business Research Investment) компанияси бу хайрли ишга бир миллион 800 минг евро миқдорида улуш қўшди. Корхонага Германиянинг «PFAFF» ҳамда «Textima» фирмаларида ишлаб чиқарилган ускуналар ўрнатилди.

Натижада йилига 3 минг 300 тонна трикотаж ҳамда 25 хилдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона бунёд этилди. Унда 1,5 минг киши иш билан таъминланди.

- Келгусида ишчилар сонини 2 минг 500 нафарга етказиш ниятидамиз, - дейди қўшма корхона директори Б.Розумов. - Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни асосан экспорт қилиш режалаштирилган. Санкт-Петербургдаги «Сигма-гас» ва Москвадаги «Трейдинг хаус» компанияларидан дастлабки буюртмалар олдик. Уларга 400 минг дона трикотаж маҳсулотлари етказиб берамиз.

- Ишга асосан Тўрткўл шаҳри ва туман марказига яқин қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар жалб этилган, - дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Гулхумор Айтбоева. - Қизларимиз энг замонавий дастурлар ўрнатилган компьютерлаштирилган тикув машиналарида тикаётган маҳсулотлар сифати ҳар қандай талабчан харидорнинг дидига мос келади.

23 август куни қўшма корхонанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Н.Аймбетов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Т.Қайипбергенов, «Би-Эр-Ай» (АҚШ) фирмаси вакили И.Озговен ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бу ислоҳотлар мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган.

- Корхонамизга махсус танлов асосида саралаб олинган юзлаб дугоналарим қаторида меҳнат қилаётганимдан фахрланаман, - дейди тикувчи Назокат Ражапова. - Юқори унум билан ишловчи тўқув ва тикув машиналарини бошқариш кишига катта завқ бағишлайди. Чекка бир туманда ана шундай замонавий корхоналар қуриш имкониятини яратгани учун Юртбошимизга раҳмат. Юзлаб хотин-қизлар касб-корли бўлиб, мана бундай озода ва шинам жойларда меҳнат қилмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимиз мустақиллигининг шарофатидандир.

(ЎзА)

Олимпия захиралари коллежи спорт манежида ўтказилаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати бахслари давом этмоқда.

БЕЛЛАШУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

- 85 килограмм вазн тоифасида 133 килограмм натижа билан бронза медали соҳиби бўлдим, - дейди фарғоналик Баҳодир Тошматов. - Бу ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан биз ёшларга, спортга берилаётган алоҳида эътиборнинг самараси, деб биламан.

Аёллар ўртасида ўтказилган 53 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда Шимолий кореялик Рю Жим Ок 170 килограмм натижа кўрсатиб, олтин медаль соҳибаси бўлди. Қозоғистонлик Лаззат Кошелина иккинчи, Хитой тайпейи вакили Ценг Цу Жунг эса учинчи ўринни қўлга киритди.

58 килограмм вазнли яна бир Хитой вакиласи Ву Дан 193 килограмм натижа билан дугоналарини ортда қолдирди. 186 килограмм натижа кўрсатган Шимолий кореялик Хан Юн Гёнг иккинчи ўрин билан кифояланди. Таиландлик Мингонлат Пуансент 165 килограмм натижа билан совриндорлар сафига қўшилди.

Осиё чемпионати давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2005 йил 26 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Шовот туманидаги «Уста Мустафо» фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Ўдабоев Хива меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пакка Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида бу ерда тарбияланаётган 140 нафар бола учун байрам ташкил этиш таклифи билан мурожаат этди.

Ҳар икки томоннинг келишувига биноан байрамни Урганч туманида жойлашган энг яхши соғломлаштириш оромгоҳларидан бирида ёзги таътилнинг охирги кунида ўтказишга қарор қилинди.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

- Мамлакатимизнинг мустақиллик куни яқинлашмоқда, - дейди фермер. - Менимча, бу энг асосий байрам ҳисобланади. Негаки Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина, оддий деҳқонлар ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Улар ўзларига тегишли ерларда оиласи ҳамда жонажон ўлкамиз фаровонлиги учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Бундай тантанани болалар билан нишонлаш кишига катта қувонч бағишлайди.

Ш.Ўдабоев меҳрибонлик уйига байрам дастурхони учун келтирган барча маҳсулотлар, мевалар хўжалик далаларида етиштирилган, ҳатто, ширинликлар ҳам шу ерда ишлаб чиқарилган. Хўжаликдаги 32 гектар майдонда деярли ҳамма маҳсулот етиштирилади. Келаси йили фермер болаларни музқаймоқ билан меҳмон қилишга ваъда берди. Ҳозир у сутни қайта ишлаш ва йогурт ҳамда бошқа ширинликлар ишлаб чиқариш бўйича мини-завод сотиб олиш тўғрисида музокара олиб бормоқда.

«КУЗ-ҚИШ» ЯРМАРКАСИ

Умумхалк байрами арафасида Тошкент, Самарканд, Карши, Наманган ва Урганчда енгил саноат махсулотларини сотиш бўйича «Куз-киш» мавсумий улгуржи-чакана ярмаркалари очилди.

Уларда куз-қиш мавсумига мос 400 дан ортиқ турдаги, шу жумладан 206 турдаги янги маҳсулотлар намойиш этилмоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акционерлик компанияси корхоналари аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга 102,4 миллион сўмлик товарлар таклиф этмоқда.

Харидорлар эркаклар ва аёллар пальтолари, костюмлар, шимлар, эркаклар ва болалар кўйлаклари, спорт кийимлари, жемперлар ва акрил матодан костюмлар, трикотаж маҳсулотлари ва бошқа товарларни арзон нархда сотиб олиши мумкин.

Бундан ташқари, мавсумий ярмаркаларда газлама, сочиқлар, гиламлар, курткалар, кўйлаклар, халатлар, чойшаблар, трикотаж маҳсулотлари ва пайпоқлар, чинни идишлар - умумий қиймати 79 миллион сўмга тенг товарлар сотилмоқда.

Бир томонини викорли тоғу далалар ўраб турган, иккинчи ёни Карши чўлларига туташиб кетган Қашқадарёда азалдан ичимлик сувини қадрлашади. Вилоятда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чикиб дастур ишлаб чикилган. Унга асосан обҳаёт ресурсларини таксимлаш, уларни назорат килиш, мухофазалаш, иншоотларни тозалаш ва таъмирлаш сохасида муайян ишлар амалга оширилаяпти.

БЕҲУДА ОҚАЁТГАН ОБ-ҲАЁТ

Ичимлик суви асосан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманлари ер ости манбалари ва Талимаржон сунъий денгизи яқинидаги ПК-162, Бухоро туманидаги Қуйшмазор иншоотлари ва тоғли ҳудудлар булоқ сувларидан олинади. Ер ости сув манбаларидан Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши, Косон туманлари ва Қашқадарёнинг ўнг соҳилида жойлашган аҳоли таъминланади.

Ер ости ичимлик суви манбаларидан бир кеча-кундузда 990,4 минг кубометр ўрнига, 641,2 минг кубометр об-ҳаёт олинаяпти. Унинг ичимлик суви учун ишлатиладиган қисми салкам 50 фоизни ташкил этади.

Халқимизда «Сувни ич, ариқни булғама» деган нақл бор. Вилоятда 5427 та артезиан қудуқлари мавжуд бўлиб, ҳозир 2850 таси ишлайди. Қолганлари ҳар хил сабабларга кўра ҳаракатланмай турибди. Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чироқчи туманларининг марказлари ўз сув ишлаб чиқариш иншоотига эга бўлганлиги сабаб таъминот анча яхшиланган. Бироқ мазкур туманларнинг қишлоқ жойлари аҳолиси артезиан қудуқлардан, тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчилар булоқ, дарё сувларидан фойдаланади ва бир қисми сувни ташиб ичади.

Лекин, Қамаши туманида истеъмол қилинаётган сувларнинг сифати талаб даражасида эмас. Ғузар тумани ер ости сувлари минераллашганлиги ва қаттиқлиги сабабли санитария талабларига жавоб бермайди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда туман маркази ва айрим аҳоли яшаш масканларини Яккабоғдан олинадиган сифатли сув билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Қолган маҳалла ва қишлоқлар фуқаролар ташиб келтириладиган сувдан фойдаланишади. Косон тумани Китоб-Муборак сув узатиш қувури, Касби-Муборак, Нишон, Қарши тумани Талимаржон сунъий денгизидан олинадиган очиқ сув ҳавзаларидан таъминланган.

Масала кўндаланг қўйилади

Деҳқонобод тоғлар бағрида жойлашган. Бир вақтлар юксак қоялардан пастликка энаётган жилғалар, тезоқар ирмоқлар қалбларга ўзгача ором бағишлаган. Вақт ўтиши билан булоқларнинг кўп қисми қуриб, сув таъминотида муаммоларга дуч келинаяпти.

Кичик Ўрадарёнинг чап қирғоғида яшаётган аҳоли ўртасида сув танқислигининг олдини олиш мақсадида Оқсув дарёсидан фойдаланиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда 77 километрлик янги иншоот қурилиши бошланиб, 22 километри ниҳоясига етказилган. Бир кеча-кундузда 10,8 минг кубометрли лойиҳа қувватига эга сув тармоғи қурилишини янада жадаллаштириш лозим. Чунки аҳоли ташиб келтириладиган сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур.

Қарши шаҳри, Косон, Муборак туманларида фуқароларини Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ер ости сувлари ҳисобидан таъминлашни яхшилаш режалари белгиланган. Вилоят ичимлик суви ишлаб чиқариш иншоотларининг умумий лойиҳа қиймати бир кеча-кундузда 743,9 минг кубометр бўлиб, амалда 342,9 минг кубометр сув ишлаб чиқарилмоқда. Бу талабнинг 46,1 фоизини ташкил этади. Мавжуд 5 минг 545,5 километрли қувурларнинг 1 минг 435 километри фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Қарши шаҳрида аҳоли жон бошига 118 литр, қишлоқ жойларида эса 98 литр сув тўғри келади, холос.

(Давоми 2-бетда)

Орамиздаги одамлар

Ҳар йили 16-17 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараётган «Навоийазот» ҳиссадорлик жамиятида 10 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Улар орасида корхона тамал тошини қўйган, юксалишига муносиб ҳисса қўшган фидойилар ҳам бор.

КОРХОНА ЮРАГИ

Ғиждувон туманида камол топган Ҳамиджон мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ металл билан ишлаш сирларини ўрганиб олган эди. Чилангарлик, токарлик ва темирчилик касбига қизиқиши беқиёс бўлган қишлоқ фарзандини бундан 30 йил муқаддам корхона ўз бағрига олди. Дастлаб қурилиш бошқармасига ишга кириб, «Катализатор» цехини бунёд этишда қатнашди.

Кўп ўтмай чилангарликка қабул қилинди. Иш жараёни узлуксиз ва қийин эди. Хомашё омбори, ҳавони тозалаш ва тарқатиш ускуналари, аммиак совутиш станцияларининг бир маромдаги ҳаракати катта масъулият ва ҳушёрликни талаб этарди. Шу боис мутахассислар янги технологияни жорий этиб, қурилмаларнинг тўла қувват билан ишлаши учун астойдил жон куйдиришар эди. Ҳамид ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда политехника институтининг кечки бўлимига ўқишга кириб, муваффақиятли тугаллади. Жўшқин ҳаёт бағрига сингиб кетган фидойи йигит устозлари ишончини оқлади. Даставвал, катта уста бўлиб ишлаган ёш мутахассис олийгоҳда олган назарий билимини амалда қўллай бошлади. Цех механиклигини қабул қилган Ҳ.Абдураҳмонов бу масъулиятли вазифада роппа-роса 20 йил сидқидилдан хизмат қилди.

703-цех корхонанинг юраги ҳисобланади. Қудратли насослар, қизитиш печлари, тўлқинли реакторлар, юқори босимли баллонлар ва бошқа мураккаб ускуналарни бенуқсон ишлатиш учун етарли малака керак бўлади. Катта ҳаёт мактабини босиб ўтган тажрибали мутахассис бундан 10 йил муқаддам корхона бош механигининг ўринбосарлигига тайинланди. У технологик қурилмаларнинг бенуқсон ишлаши, таъмирлаш юмушларининг бориши, эҳтиёт қисмлари билан таъминланиши устидан мустаҳкам назорат ўрнатди.

Мана бир йилдирки, техника назорати хизматига раҳбарлик қилаётган Ҳамид Абдураҳмонов маъмурият касаба уюшмаси билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларининг бажарилиши учун жон куйдириб ишламоқда.

Хоналар тоза ва озода, техника ва механизмларнинг ҳаракати назоратга олинган. Цехлар ҳавосининг саноат санитарияси талабларига мос бўлиши, атроф-муҳит ифлосланмаслиги, ишчиларнинг шикастланмаслиги учун тегишли чоралар кўриляпти. Жамоада фахрийлар меҳнати қадр топмоқда. Меҳнат фахрийси М.Хушманов раҳбарлик қилаётган 5-цехда аниқ технологик режим, якдиллик ва аҳиллик, соғлом маънавий муҳит юзага келган. Иш уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги туфайли 6-10 ва 13-агрегатлар вақтида таъмирланиб, янги ускуналар ўрнатилди.


Марказий таъмирлаш участкаси суюқликлар ўтадиган қувурларни таъмирдан чиқарди. Қурилиш-ускуналаш юмушлари илгари пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган бўлса, эндиликда корхона таъмирловчиларининг ўзлари бажаришмоқда. Бунинг натижасида миллионлаб сўм маблағ тежаб қолиняпти. Чилангарлар Н.Бекназаров, Т.Нуров, электрпайвандчи В.Воҳидовлар ҳар бир ишни пухта ва пишиқ бажаришади.

Устозлар анъаналарини изчиллик билан давом эттираётган ёш бригадир Г.Ҳасанов, уста А.Кенжаев, таъмирловчи П.Шленинлар ўз касбларидан ташқари бошқа машина-механизмларни бошқаришни ҳам ўрганиб олишган.

К.ЎРИНОВ,
«Навоийазот» ҳиссадорлик жамияти ходими

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҚВПЛАР

Хатирчининг осмони тиниқ, тунлари фараҳбахш. Бу дилбар гўша не-не зотларга бешик бўлмаган, дейсиз. Амиркул Пўлкан хонишлари қалблар кўзгусида абадул-абад муҳрланган. Яна талай истеъдодлар субҳидамнинг сарин еллари эсган лаҳзаларда илҳом сеҳридан сармаст бўлган.



Юртнинг улуғлари кўп. Шунинг учун ҳам Хатирчи ой сайин эмас, кун сайин юксалиб боряпти. Тиббиёт соҳасида ҳазилакам ишлар амалга оширилаётгани йўқ. Сирасини айтганда, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида оналик ва болаликни, оила манфаатларини муҳофазалаш, унинг баркамол авлодни вояга етказишдаги мавқеини кўтариш ҳамда тиббий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш вазифалари белгилаб берилган. Бу ҳужжатлар хатирчилик тиббиёт ходимларининг иш йўналишида дастуриламал бўлмоқда. 244 нафар (уларнинг 17 нафари олий, 67 нафари 1-тоифали) ҳаким, 1198 нафар ҳамшира 160 минг нафар аҳоли саломатлиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда. 24 та ҚВП, 3 та ҚВА, 1 та қишлоқ участка шифохонаси, 1 та юқумли касалликлар шифохонаси, Марказий шифохона, «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳали амалга оширилажак вазифаларнинг кўпи олдинда. Бироқ қилинаётган ишлар ҳам оз эмас. Юқумли касалликлар шифохонаси тўла таъмирланди. Болалар бўлимини таъмирлаш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти. Умумий таъмир ишлари учун шифохона 5 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами олди. Туман ҳокимлигининг бевосита ташаббуси билан хўжаликлардаги тиббиёт шохобчаларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 4 та ҚВП қайта мослаштириш йўли билан ишга туширилди. Умуман туман тиббиёт ходимларидан эл мамнун. Уларнинг айримларининг дил сўзлари фикримизнинг далилидир. «Мен каттақўрғонликман. — Бу ерга моҳир шифокор Иброҳим Нусратуллаев қўлида даволаниш учун келдим ва анча тузалиб қолдим», деди Нозик Қувондиқова. Ёш она Насиба Юсупова: «Яхшиямки, Улаш ака Бўтаев жонимга оро кирди. Муваффақиятли операциядан сўнг қизалоқлик бўлдим.»

Хуллас, бундай дил сўзлари бисёр. Қўлигул шифокорлар Ў.Хушвақтов, С.Мамараҳимов, И.Иброҳимов, Ч.Шайматов ва бошқалар тўғрисида ҳам илиқ сўзларни эшитиш мумкин. Касалликнинг олдини олиш, уни даволашдан осон. Бунинг учун ҳар биримиз ўз соғлиғимизга эътиборли бўлишимиз, йилда бир марта бўлса-да, тиббий кўрикдан ўтишимиз лозим. Афсуски, ўз-ўзимизга, саломатлигимизга эътибор беравермаймиз. Пировард натижада соғлиғимиз сездирмай йилдан йилга, кундан-кунга емирилиб бораверади. Айни шундан келиб чиқиб, мазкур туман шифокорлари кишилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини йўлга қўймоқдалар. Бундай жонли учрашув ва мулоқотлар яхши самара бераётир. Оилаларда она ва бола соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилиб, санитария-гигиенанинг аҳамияти хусусида чуқур фикр юритилмоқда.

Туғиш ёшидаги аёлни муҳофаза қилиш, жамиятнинг порлоқ истиқболини асраш демакдир. Буни кишилар онгига сингдириш осон кечмаётир. Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш нозик масала. Йигит-қизнинг жисмонан соғломлиги улар ўртасидаги муҳаббат риштасини янада жипслайди. Мабодо бунинг акси бўлсачи. «Саломатлик маркази»да тиббий кўрикдан ўтаётган ёшларга бу ҳақда уқтирилмоқда. Хуллас, бундай ташкилий ишлар талай.

Шифокор бемор бўлиб келган барчанинг корига ярайди. Бироқ бу заҳматкаш касб соҳибини ким ўйлайди. У ҳам одам, касал бўлиши, толиқиши табиий. Хатирчилик шифокорларнинг ижтимоий ҳимояланиши Марказий шифохона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси зиммасида. Иш берувчи билан касабақўм ҳамкорликда мавжуд жамоа шартномаси асосида фаолият юритмоқда. Яхши-ёмон кунларда жамоа аҳли бир-бирига камарбаста. Жамоадаги кам таъминланган хотин-қизларга 103 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 9-Май «Хотира ва Қадрлаш куни» арафасида шифокорлар Баҳриддин Авлонов ва Рашид Ҳайдаровлар хотираси ёдланиб, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинди. Бундан ташқари, 30 нафар меҳнат аҳли Баҳовуддин Нақшбандий қадамжосига зиёрат қилди. 8 нафар касаба уюшма аъзоси «Турон», «Ботаника», «Чортоқ», «Нагорний» сиҳатгоҳларида, шунингдек, Олтинсой қишлоғидаги шифобахш булоққа бориб, саломатликларини тиклаб қайтди. Ишчи-ходимларнинг 25 нафар фарзанди «Хумсон», 50 нафари эса «Мурдош» оромгоҳларида дам олдирилди. Мазкур даргоҳда волейбол, футбол, шоҳмот-шашка тўгаракларига қатнашувчилар кўпайиб бораётир. Шулардан бири Алиса Усмонова вилоят миқёсида бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

Ш.ИСКАНДАРОВА,
«Ишонч» мухбири

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРМОҚДА ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

(Боши 1-бетда)


«АйДемир текстил»нинг очилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз ва чет эл компаниялари, фирма ва банклар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби М.Керагез, «Демир групп» компанияси раҳбари О.Кеналикая, Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Зиё, шоир М.Мирзо, «АйДемир текстил» қўшма корхонаси ходими Л.Мансурова мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Республикамизнинг турли ҳудудларида туркиялик ишбилармонлар билан бирга ташкил этилган янги қўшма корхоналар бунинг исботидир.

Қўшма корхонада ҳар йили 10 миллион жуфт пайпоқ, 5 миллион дона тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулоти, шу жумладан ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган эркаклар шортилари, футболкалари, полокўйлаклари ва бошқа кийимлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 800 киши иш билан таъминланади.

Юқори сифатли маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Пайпоқларни «Russell Athletics» ва «Renfro» каби машҳур компанияларга етказиб бериш мўлжалланган. Тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари АҚШ ва Европа мамлакатларига юборилади. Ҳозирдаёқ «Fruit of the Loom», «Anvil», «Jacque» каби таниқли фирмалардан буюртма олинди.



Қурилаётган 6 та қўшма корхонадан 3 таси мамлакатимизнинг «Асака» банки кредитлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳаларнинг ҳаммаси хорижий инвестициялар ва кредитларни тўғридан-тўғри, яъни республика ҳукумати кафолатисиз жалб этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Чунончи, инвесторлар маблағлари қарийб 49,4 миллион АҚШ долларини ёки объектлар умумий қийматининг 73 фоизини ташкил этади.

Корхоналарнинг ишга туширилиши янада кўпроқ йирилган ип, матолар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу боис улар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, республика ички истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш ҳамда 2,8 минг киши, асосан хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини беради.

(ЎзА)

МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ

(Боши 1-бетда)

– Узоқ муддатга ёки умрбод қамоқ жазосини олган маҳбуслар билан ишлайдиган ходимларнинг роли, масъулияти, ушбу муассасалардаги шарт-шароит қандай тартибда ташкил этилади. Халқаро ҳамжамият Фармонни жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги улуғвор қадам сифатида баҳоламоқда. Бу ҳақда фикрингиз.

– Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамда халқаро қонунчилик жамиятлари Ўзбекистонда ўлим жазосини Президент Фармони билан бекор қилинишини мамнуният билан эътироф этаётир. Ўлим жазосининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари ҳамда ярашув институтининг жорий этилиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими жаҳон андозаларига мувофиқлашиб бораётганлигига яққол мисолдир. Шу билан бирга, узоқ муддатга ёки умрбод қамоққа маҳкум қилинган маҳбусларнинг жазо муддати ўталадиган муассасаларда Фармонда айтилганидек, зарур шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек, ундаги назоратчиларнинг малакасини ошириш ва тайёрлаш, уларнинг Фармон ижросини таъминлашдаги масъулияти аниқ белгилаб қўйилган.

– Аёнки, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа қонуности ҳужжатларда миллий қадриятларимиз ҳурмат қилиниши, бу умуминсоний адолат тамойилларидан келиб чиқилганлиги эътироф этилган. Судлов жараёнларида, ҳуқуқий таъсир чораси кўлланилаётган пайтларда миллий менталитетимиз қай даражада рол ўйнаши мумкин?

– Ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, кечиримлилик ўзбек миллатининг шарқона қадриятлари сирасига киради. Фармонда халқ анъаналари ўз ифодасини топган. Президентимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фармонга имзо чекканлиги, давлатимизнинг инсонпарварлиги, халқпарварлигига яққол мисолдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтларданоқ фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қафолатига устувор йўналиш берган. Жиноят тўғрисидаги қонун нормаларида ўлим жазоси билан боғлиқ 30 тадан ортиқ моддалар бор эди. Бугунга келиб суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш шарофати билан ўта оғир жиноят содир этган шахс икки ҳолатда, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти натижасида кишиларнинг қурбон бўлиши ва бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганлар ўлим жазосига маҳкум этилади. Мазкур жиноятлар сони жами жиноий қилмишлар салмоғида атиги бир фоизни ташкил қилади.

Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар. Билиб-билмай жиноятга қўл урганларни, ижтимоий хавфсизлик даражаси кам бўлган маҳкумларни мустақиллик куни олдидан амнистия орқали озодликка чиқариш суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил бораётганлигини кўрсатиб турипти. Эндиликда жазо муддатини ўтаб қайтган маҳбуслар туманларда ташкил этилган ижтимоий кўникма марказлари томонидан қўллаб-қувватланаяптилар. Муқим иш билан таъминланиб, оилаларининг бағрида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Турли ғайриқонуний оқимлар таъсирига тушиб нотўғри йўлга кирган шахсларнинг ихтиёрий равишда фаол ҳаётга қайтганлари Юртбошимиз томонидан авф этиляпти.

– Фармондаги ўлим жазосини узоқ ва умрбод қамоқ жазоси билан алмаштириш, бу маҳбуснинг бутун ҳаёти ҳибсхонада ўтади деганими?

– Йўқ, асло. Фармонда ўлим жазосига маҳкум этилган шахсга узоқ муддатга, ёки умрбод қамоқ жазоси жорий қилиш тартиби адолат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилган ва бундай шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш, шу билан бирга уни асослаш вазифаси қўйилган.

Суҳбатдош
С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларнинг янги босқичи

Тармоқ касаба уюшма ташкилотларида

Меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқи, манфаатларини ҳимоя қилиш энг нуфузли жамоат ташкилотларидан бири касаба уюшмалари зиммасидадир.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ

Шу боис Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бувайда тумани қўмитаси ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Тармоқдаги мавжуд 98 та бошланғич ташкилот фаолиятини кучайтириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Тумандаги 5-, 19-, 44-мактаблар бошланғич касаба уюшма раислари-М.Ҳамдамова, Х.Тўйчиев, Ҳ.Акбаровларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда. Ана шундай жонкуяр, ўз ўрнини топган кишиларнинг самарали фаолияти туфайли бошланғич ташкилотларнинг нуфузи ортиб бормоқда.

– Қўмитамиз 6,5 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган бўлиб, ўзининг иш фаолиятида бир мунча силжишларга эришди, – дейди ташкилот раиси Н.Камолов. –Халқ таълими бўлими билан биргаликда жамоа шартномаси шартларини ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида бажара бориб, тармоқ ходимларини кўнгилли маданий дам олишлари ташкиллаштирилмоқда. Турли кўриктанловлар ўтказилиб, оммавий спорт ривожлантирилмоқда. Хусусан, таълим ходимлари ўртасида волейбол, шоҳмот-шашка, теннис ва енгил атлетика бўйича «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган анъанавий спартакиада мусобақалари ўтказилди. Тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш, мусобақа қатнашчиларини овқатлантириш касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бўлди. Бунинг учун бир миллион олти юз минг сўм сарфланди. Кам таъминланган оилалар фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш мақсадида 1 миллион 200 минг сўм йўналтирилди. 84 нафар ходимлар санаторий курортларда дам олди. 166 нафар кам таъминланган тармоқ ходимларига 900 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Б.ЗОҲИДОВ

БЕШИНЧИ!

Қизилтепа туманида ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда тумандаги касб-ҳунар коллежларининг муҳим ўрни бор.

«Тавоис» ширкат хўжалигида қуриб битказилган маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи тумандаги ана шундай бешинчи ўрта махсус ўқув юрти ҳисобланади. 720 ўринга мўлжалланган таълим масканини «Зилола пойдевори» ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари бунёд этди.

Коллежда электрон-ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, маркетолог, бухгалтер-аудитор, ресторан ва меҳмонхона ишларини ташкил қилиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўндан ортиқ фан кабинетлари, лингафон, компьютер хоналари, спорт зали, ошхона ўқувчилар хизматида бўлади.

Масала кўндаланг қўйилади

БЕҲУДА ОҚАЁТГАН ОБ-ҲАЁТ

(Боши 1-бетда)

234 километрли тармоқ иншоотларидан келадиган об-ҳаётдан айни дамда шаҳардаги 216 минг киши баҳраманд бўлаяпти. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарори асосида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, қувурлар ва иншоотларни таъмирлаш, керакли миқдорда сув ўлчагичлар ўрнатиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Ҳукумат қарори ижросини таъминлаш учун 2005 йил куз ва қиш мавсумига тайёргарлик кўриш режалари ишлаб чиқилган. Ҳозирга қадар маҳаллалардаги 2 километрдан ортиқ қувурлар алмаштирилди. Ичимлик суви анча текис бўлган Боғлар, Наврўз маҳаллалари учун қўшимча насос станциялари қуриб фойдаланишга топширилди. 28 километр масофага янги қувурлар тортилаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги Осиё Тараққиёт банки иштирокида Гулистон, Жиззах, Қарши шаҳарлари сув таъминоти тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ 31,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Шаҳардаги 16,4 километрли биринчи навбат ичимлик суви тармоқларининг қурилиб; монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Кўрилган чора-тадбирлар сифати ўлароқ об-ҳаётнинг йўқотилишини 32 фоиздан 18 фоизга камайтирилди.

Инсон соғлиғи кўп жиҳатдан у истеъмол қиладиган сувнинг сифатига боғлиқ. Бироқ мавжуд 412 километр қувурларнинг 80,85 фоизи эскирганлиги туфайли ҳар ойда 200-250 минг кубометр сув йўқотилмоқда. Аслида шаҳардаги 42 та уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 522 та кўп қаватли хонадонларга ичимлик суви белгиланган меъёрда етказиб берилмаяпти. Чунки айрим фуқароларнинг масъулиятсизлиги туфайли жумраклар очиқ қолдирилиб, тоза ичимлик сув тўғридан тўғри канализация қудуқларига оқиб кетмоқда. Ичимлик суви тармоқларининг аксарияти 1965-1990 йилларда қурилган. Қувурларнинг эскириб ишдан чиқиб қолганлиги сабабли кўп миқдорда сув йўқотилаяпти ва кейинги нуқтадаги истеъмолчиларга етиб бормаяпти.

Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳанинг қуввати бир кеча-кундузда 275 минг кубометрни ташкил қилади. «Ўзбекгидрогеология», ЎзГИИТИ ва «Ўзкоммуналлойиҳакурилиш» ходимлари Қарши шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси билан биргаликда тайёрланган дастурга мувофиқ ичимлик суви тармоқлари қурилиши ва алмаштирилиши бўйича дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Хўш, воҳанинг бошқа шаҳар ва туманларида сув муаммоси қандай ҳал этилмоқда? Айни пайтда ичимлик суви ёпиқ ҳолатда Ву-1, Ву-2, Ву-3, ВУ-4 ва «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси «Об-ҳаёт» масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги иншоотларда ишлаб чиқарилади. Улар ихтиёрида 127 та артезиан қудуқлар бўлиб, атиги 92 таси ишлаяпти. Нима сабабдандир «Муборакнефтгаз»га қарашли сув иншооти фаолияти тўхтаб қолган. Истеъмолчилар камлиги учун «Об-ҳаёт» корхонаси ихтиёрида 15 та артезиан қудуқдан фақат иккитаси ишлатилаяпти.

Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ер ости ичимлик суви ҳавзаларида жойлашган 6 та иншоотларда белгиланган 303 минг ўрнига 215 минг кубометр сув узатилмоқда. Яккабоғ шаҳрининг кириш қисмида ВУ-6 иншооти қурилиши бошланиб, 4 та артезиан қудуғи қазилган бўлса ҳам фойдаланилмасдан турибди.

Талимаржон сув омбори 208 минг кубометр сув олиш ва тозалаш имкониятига эга. АК-162 иншооти тўлиқ битказилмаганлиги оқибатида ушбу ҳавзадан ўртача 75 минг кубометр сув берилаяпти, холос. Тозалаш қурилмаси ишламаётганлиги туфайли эса узатилаётган сувнинг сифати давлат стандарти талабларига мос эмас.

«Об-ҳаёт» масъулияти чекланган жамиятининг Яккабоғдаги сув ишлаб чиқариш ҳавзаси Қамаши ва Ғузор туманларини ичимлик суви билан таъминлайди. Режа бўйича 32 та артезиан қудуғи қазилиши керак.

Ҳозирга қадар 19 та қудуқ қазиб, ишга туширилган. Бир кеча-кундузда 60 минг кубометр ўрнига Яккабоғ-Ғузор магистрал қувури 5-5,5 минг кубометр об-ҳаёт ўтказилаётганлиги ёки 9,95 фоиз қувват билан ишлаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг иншоотида кеча-кундузда 92 минг кубометр об-ҳаёт ўтказиш қувватига эга Д-1020 миллиметрли қувур фаолияти тўхтаб қолган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 октябрдаги қарорида белгиланган Китоб ва Чироқчи туманлари ҳудудидаги ВУ-5 сув ишлаб чиқариш иншооти ва Д-1020 миллиметр ўлчамли 105 километр узунликдаги Китоб-Қарши сув қувури қурилишидан вақтинчалик воз кечишга тўғри келади. Чунки, Осиё Тараққиёт Банки лойиҳасига киритилган Шаҳрисабз-Китоб ер ости сув конида жойлашган Ву-1, Ву-2, Ву-3, Ву-4 иншоотлари таркибидаги 71 та артезиан қудуқни реконструкция қилишни жадаллаштириш, сув ишлаб чиқаришни бир суткада 303 минг кубометрга етказиш, Яккабоғ-Муборак, шунингдек Чироқчи туманидаги Кишмиштепа сув ишлаб чиқариш иншоотларини ишга тушириш биринчи вазифа бўлиб турибди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Шаҳрисабз-Қарши магистрал сув қувури орқали таъминланган Косон, Муборак туманлари газни қайта ишлаш заводи ва Помуқ қишлоғига етказиб бериладиган ва йиқтисод қилинган 35-36 минг кубометр ичимлик сувни Қарши шаҳрига олиб келиш имконияти яратилади.

Яккабоғ-Муборак сув қувури таъминлайдиган Гулбоғ, Оқтепа, Чироқчи, Сурхон, Ширинтепа ва бошқа аҳоли яшаш жойларида қурилиб, ишга туширилмасдан қолиб кетган ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ниҳон туманида жойлашган, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли бир вақтлар 7-қурилаётган корхоналар дирекцияси томонидан қурилиши бошланган ПК-162 иншоотини ишга тушириш сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

Умуман воҳада сув таъминотини яхшилаш, табиат туҳфа этган, инсон учун энг зарур сувдан оқилона фойдаланиш, ҳар томчисини қадрлаш мутасадди ташкилотлар, қолаверса ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚЎҚОН

Номи етти иқлимга ёйилган Қўқон шаҳри тарихи узоқ мозийга бориб тақалади. Унинг юксалиш, ороланиш даври Қўқон хонлиги даврига тўғри келади. Ўшанда у Марказий Осиёнинг энг йирик ижтимоий, маданий марказига айланганди. Кўхна шаҳарга латиф деган нисбат беришган. Боиси, бу ерда ҳунармандчилик, илм-фан гуркираб ривожланган. Айниқса, Қўқон адабий муҳитининг юзага келиши нуфузига-нуфуз қўшди. Таъкидланишича, шу кунгача Қўқон адабий муҳитида 300 дан зиёд шоиру адиблар етишиб чиққан.



Шаҳар аҳли ўзига хос қадриятларни асрлар оша асраб-авайлаб келди. Мустақиллик шарофати ила бобомерос урф-одатлар янада кенг томир ёйди. Кўхна ва тарихий шаҳар тамомила янги қиёфа касб этди. Аввало, барча асосий кўчалар асфалтланди. Янги ёритгичлар, хиёбонлар, гузарлар, миллий архитектура ўзига хос жозиба бахш этган маъмурий бинолар бунёд этилди.



Ҳозирги кунда Қўқон саноатининг салмоғи билан Фарғона вилоятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ерда оғир, енгил, машинасозлик, тўқимачилик саноат корхоналари мавжуд. Уларда бозор талаблари ҳисобга олинган ҳолда энг харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Истиқлол берган имкониятлардан яна бири шуки, шаҳарда қўшма корхоналар сони 13 тага етди. Ўзбекистон - Россия, Ўзбекистон - Франция, Ўзбекистон - Туркия қўшма корхоналари самарали фаолият юритмоқда. Ҳар бир жамоа мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлади. Яқинда ҳамкорлар сафига Малайзия ҳам қўшилганлиги барчани қувонтирди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қўқондаги 1 та олий ўқув юрти, 13 та коллежда ёшларимизнинг пухта билим олиб, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ҳар пайшанба "Мактаб куни" деб эълон қилиниши соҳани ривожлантириш, муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хайрли ишда корхона, ташкилотлар, тадбиркорлар ҳамда саховатпеша кишилар фаол иштирок этмоқдалар.

Шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмоновнинг ҳикоя қилишича, янги ўқув йилига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. 5-, 9-, 26-мактабларда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Эзгу мақсад учун 320 миллион сўм сарфланди.

Амалга оширилаётган ибратли ишларнинг яна бири ҳокимлик, маҳалла фаоллари ҳамда мактабларнинг мутасаддилари ҳамкору ҳамжиҳатликда тарбиявий ишларни олиб боришаётганидир. Ёшлар ўртасида ўтказилаётган суҳбатлар, саволжавобларнинг фойдаси катта бўляпти. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ёшукарининг онги-шууридан чуқур жой олган.

Сўнгги йилларда Қўқон катта қурилиш майдонини эслатади. Жумладан, катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Қўқонсой соҳили бўйлаб юрсангиз баҳри-дилингиз очилади. Анвойи гуллар барқ уриб турган хиёбонлар, мевали ва манзарали дарахтлар ўзгача файз бағишлаган кўчалар кайфиятингизга кайфият қўшади. Гуллар, дов-дарахтларни суғориш учун махсус буюртма асосида чархпалаклар ўрнатилганлигини айтмайсизми. Ҳар оқшом Муқимий, Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғлари одамлар билан гавжум. Қўқонликлар дам олишни ҳам яхши билишади. Сўлим масканларда концертлар томоша қилиб, аскиячилар санъатидан баҳраманд бўлишади. Юқорида таъкидланганидек, қўли гул ҳунармандлар ўзлари ясаган жиҳозларни кўз-кўз қиладилар.

Республикамиз шаҳарлари




Бунинг натижасида усталар сафига қўшилишни орзу қилган ёшлар сафи кўпайиб бормоқда.

Сўлим гўшаларни айланар эканмиз, ҳоким Маъруфжон ака Усмонов шундай деди:

Бугунги Қўқон, унинг кўркам жамоли, ажойиб ҳунармандлари ҳақида тасаввурга эга бўлмоқчи бўлишса шаҳримизга албатта ташриф буюришсин. Ахир, юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деб бежизга айтишмайди.

Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ, "Ишонч" мухбири

Суратларда: Қўқон шаҳрининг бугунги қиёфасидан лавҳалар



ЛЎНДА МАЪЛУМОТ БЕРИНГ

Саволингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга мурожаат қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Н.ҲАМИДОВ,
Ғузор тумани

ЖАВОБ: мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қонуннинг 1-моддасига асосан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган, – деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ўзи яшаётган жойидаги фуқаролик судига ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс (яъни жавобгар)нинг иш жойидаги судга берилади. Фуқароларнинг судга шикоят билан мурожаат қилишлари учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

1) фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кунидан бошлаб уч ой;

2) фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

3) агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб ололмаган бўлса, шикоят берилганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой, яъни шикоят дастлабки берилган кундан кейинги икки ой.

Шикоят беришнинг белгиланган ушбу муддатлари узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда судлар томонидан ушбу муддатнинг тикланиши мумкинлиги қонуннинг 6-моддасида акс эттирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда тасдиқланган 533-сонли «Давлат божи Уставлари» тўғрисидаги қарорининг 1-банди

б)кичик бандида мазкур турдаги даъво аризаларини кўриб чиққанлик учун айбдор тарафдан суднинг қарорига кўра республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

САВОЛ: кандай ходимларга ва қайси лавозимларда ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Р.АБДУВОҲИДОВ,
Нурота тумани

ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИГА ПЕНСИЯ ТЎЛИҚ МИҚДОРДА ТЎЛАНАДИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига мувофиқ 1996 йилнинг биринчи январидан ишлаётган қуйидаги пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади:

- иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига;
- Чернобил ҳалокатида жароҳат олган шахсларга.

Қонунчиликда кўрсатиб ўтилганлардан ташқари яна айрим ходимларга ҳам пенсияларни тўлиқ олиш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартида "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб ёшга доир пенсияга чиққан қуйидаги аёллар: ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлсалар пенсияларини юз фоиз олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар қуйидаги лавозимнидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган "Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби" қуйидагича белгиланган.

Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунишидан қатъий назар):

- тиббий регистратор, дезинфекторлар;
- барча турдаги тиббий ҳамширалар, Меҳрибонлик уйлари тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушер), лаборант, рентгено-лаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;
- операцион тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира анестезист, туғруқ уйи (бўлими)нинг дояси;
- санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологларнинг ёрдамчилари;
- катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;
- ҳамшира иши мутахассиси;
- санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;
- беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;
- хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар;

Провизор:

- барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари;

Меҳрибонлик уйлари ва ногирон болалар интернатлари:

- кўрсатилган уйлардаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;

Кутубхоначи:

- Бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, библиограф.

Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги кўрсатиб ўтилган барча лавозимлардаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққандан кейин ҳам Фармонда назарда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорда берилади. Агар аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлиб туриб, Фармонда кўрсатилмаган лавозимда ишласа, унга пенсиянинг 50 фоизи миқдорида берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилнинг 23 апрелидаги "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 1998 йилнинг 1 майидан бошлаб фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раисларига пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади.

Президентнинг 2004 йил 7-декабрдаги "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан 2004 йилнинг 1 декабридан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга ҳам ёшга оид пенсиялари тўлиқ миқдорларда тўланади.

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

МАЖБУРИЙ БЕКОР ЮРГАН ДАВР УЧУН

САВОЛ: ходимнинг мажбурий равишда бекор юрган вақти учун ҳақ тўланадими?

Х.НАЗИРҚУЛОВ,
Ўзбекистон тумани

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик оқибатида келиб чиққан мажбурий равишдаги бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага келган меҳнат низоларини кўриб чиқиш пайтида мажбуран ишланмаган вақт учун ходимнинг талаблари меҳнат низоларини кўриб чиққан суд ёки меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан бир йилдан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади.

Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади. Ушбу қоидалар МКнинг-275-моддасида белгилаб қўйилган.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Қашқадарё вилояти филиали маклериятидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26-августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги мулклар қўйилади

1. Яккабоғ туманидаги Яккабоғ механизациялашган кўчма колоннасига қарашли ошхона биноси. **Бошланғич баҳоси - 5029,8 минг сўм.**

2. Касби туманидаги "Касби автотранспорт" МЧЖнинг 27,6 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси - 22240,6 минг сўм.**

Имкониятингизни бой берманг!

Республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари ушбу объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Қарши шаҳри,
М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (375) 226-01-63, 226-01-70
Факс: (375) 226-01-63

Информация о существенных фактах ОАО "OZJIHOZBUTLASH"

Порядковый номер сообщения – 10
Изменения в персональном составе должностных лиц.

Орган управления эмитента, в котором произошли изменения – Наблюдательный совет;

Член Наблюдательного совета, полномочия которого прекращены:
1.Таджиева М;
2.Артиков М;
3.Мухитдинов Н;
4.Бекчанов Б.

Избранный состав Наблюдательного совета:
1.Халилова Г.Р. – Начальник ПЭО АК "Узулгуржисавдо" – не акционер;
2.Каминская А.Я. – Директор ЧП"ELITA-AK" – 18 468 ШТ. 36,94% от У.Ф;
3.Урманов Д.К. – предприниматель – не акционер;
4.Плешаков С.В. – Зам.-генерального директора ООО "ASTEL" – не акционер.
5. Музыка В.В. – Генеральный директор ООО «ASTEL» – не акционер.

Орган управления эмитента, в котором произошли изменения – единоличный Исполнительный орган;

Избранный Директор – единоличный Исполнительный орган:
1.Исмаилов А.И. – Директор – не акционер;

Дата, в которой произошли изменения – 22.08.2005 года;

Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений – внеочередное общее собрание акционеров, проводимое 22.06.2005 году.

Порядковый номер сообщения – 09.
Решение общего собрания акционеров.

вид общего собрания – внеочередное;

форма проведения общего собрания – очная;

дата проведения общего собрания – 22.08.2005 года;

место проведения общего собрания – Таш.обл., Кибрайский р-н, п.Дурмень, ул-.Соатова, 1.

кворум общего собрания – 91,3%, общее количество голосов – 45 654.

Дата подписания протокола – 23.08.2005 года.

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

№	Вопрос повестки дня	Ответ		
		За	Против	Воздерж
1.	Выборы нового состава Наблюдательного совета	Кумулятивное голосование		
1.1	Халилова Г.Р.	62 828		
1.2	Каминский А.Я.	41 361		
1.3	Урманов Д.К.	41 361		
1.4	Плешаков С.В.	41 361		
1.5	Музыка В.В.	41 361		
1.6	Артыков М.	0		
1.7	Мухитдинов Н.	0		
1.8	Бекчанов Б.	0		
2.	Выборы Ревизионной комисии.			
2.1	Высылайкина А.М.	45 654	0	0
2.2	Салыджанова М.	45 654	0	0
2.3	Хазипова Г.	45 654	0	0
3.	Утверждение:			
3.1	Устава общества в новой редакции.	45 654	0	0
3.2	Положения «Об общем собрании акционеров»	45 654	0	0
3.3	Положения «О Наблюдательном совете»	45 654	0	0
3.3	Положения «О Директоре»	45 654	0	0
4.	Утверждение единоличного Исполнительного органа.	45 654	0	0

Полные формулировки решения внеочередного общего собрания акционеров:

1.Утвердить новый состав Наблюдательного совета в количестве 5 человек:


1.Халилова Г.Р.
2.Каминская А.Я.
3.Урманов Д.К.
4.Плешаков С.В.
5.Музыка В.В.

2.Выбрать Ревизионную комиссию в составе:
*Хазипова Г.;
*Салыджанова М;
*Высылайкина А.М.

3.Утвердить Устав общества в новой редакции, Положения: "Об общем собрании акционеров, "О Наблюдательном совете", "О Ревизионной комисии", "О Директоре". Поручить Исполнительному органу ОАО "OZJIHOZBUTLASH" провести регистрацию утвержденных документов в установленном законодательством порядке.

4.Утвердить Исмаилова А.И. в должности Директора ОАО "OZJIHOZBUTLASH".

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



Озод юртда, обод юртда бор келажак,

Ҳур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак.

Ҳали не-не Алпомишлар туғилажак,

Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю-ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Оқ яктаги янглиғ оппоқ муроди,
Ҳар яхшига жони қурбон ўзбекман.
Насли улуғ соҳибқирон зурёди
Довруғи дунёга достон ўзбекман.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ



Бугун барчамиз огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик шодиёналари арафасида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Танлов Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мазкур кўрик-танловнинг нуфузи ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Буни танлов ҳайъатига ўтган йиллардагидан анча кўп - 1752 асар тақдим этилгани ҳам кўрсатиб турибди. Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг ўзига хос талқини, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланишига хизмат қиладиган, кишилар онгида, руҳиятида, қалбида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари акс этган сара асарлар муаллифлари кўрик-танлов ғолиблари ва совриндори деб топилди.

Гулбаҳор Шариф қизи, тележурналист (Хоразм вилояти) - «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишига бағишланган туркум кўрсатувлари учун, Юсуфжон Ҳамдамов, радиожурналист - халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва анъаналари ёритилган «Талқин» туркумидаги радиоэшиттиришлари учун, Акмал Сулаймонов, телетасвирчи - халқимиз бадиий салоҳиятининг ўзига хослиги, инсон маънавий дунёсининг гўзаллигини тарғиб этувчи «Олтин бешик», «Йиллар армони» кўрсатувлари учун, Дилбар Қидирниязова, радиожурналист (Қорақалпоғистон Республикаси) - «Энг улуғ, энг азиз» радиоочерки ва бошқа ижодий ишлари учун, Ольга Харченко, журналист («Вечерний Ташкент» газетаси) - тадбиркорлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросига бағишланган туркум мақолалари учун, «Зарафшон» газетаси таҳририяти (Самарқанд вилояти) - иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ислоҳотларнинг бориши ҳамда замондошларимизнинг қалбида, руҳиятида рўй бераётган ҳурлик ўзгаришларини кенг ёритгани учун, Маҳмуд Саттор, публицист-ёзувчи - миллий маросим ва урф-одатларимиз акс этган «Ўзбек удумлари» китоби учун, Узоқбой Сафаров, рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) - Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар акс эттирилган ижодий ишлари учун, Анвар Нуралиев, плакатчи-рассом (Андижон шаҳри) - «Мустақиллик йилномаси» мавзуидаги туркум плакатлари учун, Валерия Дубровная, дизайнер (Тошкент вилояти) - инсон руҳияти, қалби, онгида кечаётган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёритгани учун, Абдураҳим Исмоилов, кинооператор - «Осмондаги болалар» фильмидаги операторлик маҳорати учун, Дамир Абдумуратов, кинорежиссёр («Қорақалпоқфильм» киностудияси) - «Баҳодир», «Қора доктор», «Келинчак», «Илм осмонининг юлдузлари» фильмлари учун, Аҳрор Қурмонов, овоз оператори - «Тажовуз» бадиий ва «Андижон воқеалари» ҳужжатли фильмлари учун, Алишер Ҳамроев, актёр (марҳум) - «Бахт қадри», «Янги ой чиққан кеча», «Остона», «Дилхирож», «Ўртоқ Бойкенжаев», «Нотаниш полвон», «Орзу» фильмларида ижро этган роллари учун кўрик-танлов ғолиби бўлди.

Булардан ташқари, яна қатор ижодкорлар кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофотлари соҳиблари бўлишди.

(ЎзА)

НАЖОТ РОСТЛИКДАДУР

Таомнинг баракаси таом ейишдан аввал ва ундан кейин қўлни ювишдадир.

* * *

Яхшилик чиримайди, гуноҳ эсдан чиқмайди, унутилмайди, қарздор ўлмайди. Хоҳлаганингни қил, қандай йўл тутсанг, сенга ҳам шундай йўл тутилади.

* * *

Рост гапиринглар, агарчи ростликда ҳалокат бор деб билсаларингиз ҳам, чунки аслида нажот ростликдадур. Ёлғон гапирманглар, агарчи ёлғон гапда нажот бор деб билсаларинг ҳам, чунки аслида унда ҳалокат бордир.

* * *

Муқим яшайдирган жойингизда ёмон кишини қўшни бўлишидан Ўзинг асрагин, денглар, чунки даладаги қўшни бир оз фурсатда ажралади.

* * *

Ҳадя беринглар, чунки ҳадя муҳаббатни зиёда қилади ва дил зангларини кетказади.

* * *

Қўрқоқ савдогар маҳрумдир, таваккалчи, ботир савдогар ризқланувчидир.

* * *

Тадбиркорлик маишатнинг ярмидур, дўстлашиш ақлнинг ярмидур, ғам қариликнинг ярмидур, қарамоғида боқиндиларнинг кам бўлиши енгилликнинг бир қисмидур.

* * *

Уч нарса катта балолардандир:

1. Яхшилик қилсанг раҳмат айтмайдиган, ёмонлик қилсанг кечирмайдиган бошлиқ.
2. Яхшилигингни беркитиб, ёмонлигингни кўрса очадиган қўшни.
3. Боringда озор берадиган, йўғингда хиёнат қиладиган хотин.

* * *

Учта дуо қабулдир:

1. Отанинг болага қилган дуоси.
2. Мусофирнинг дуоси.
3. Мазлумнинг дуоси.

* * *

Уч киши ёмон одам, улар ҳақида сўрама:

1. Жамоатдан ажраб имомига осий бўлиб, осийликда вафот этган киши.
2. Эгасидан қочиб қочоқликда вафот этган қул.
3. Хотин киши дунёвий ҳамма ҳожатларига кифоя қилиб турган эрининг йўғида бехаёлик қилиши. Булар энг бахтсизлар.

* * *

Уч кишининг дуоси қабул бўлмайди:

1. Қўлида бадхулқ хотини бўлиб, уни талоқ қилмаган киши.
2. Бировда ҳаққи бўлиб, унга гувоҳ қилмаган киши.
3. Молни ақлсизга берган киши.

* * *

Катталар билан ўтиришинглар, олимлардан сўранглар, донолар билан аралашинглар.

«ҲАДИС»ДАН

Санъат



ОҚ ЙЎЛ, "ТОҒ ГУЛИ"

Шаҳарга оқшом чўкди. Хисор тоғ тизмаларидан эсаётган ёқимли шабода кишига ором бағишлайди. Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг улкан ҳайкали қошидаги сайилгоҳ кишилар билан гавжум. Фавворалардан тушаётган зилол сув теварак-атрофга гўё файз улашаётгандек. Анвойи гуллар киши руҳиятини кўтаради.

...Туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раисаси Шаҳодат Арслонова кечани очар экан, санъаткорлар фаолияти ҳақида мухтасар сўзлаб, томошабинларга мароқли ҳордиқ тилади.

Гулдурос қарсаклар остида концерт дастури бошланди. Шу куни Республикамиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган бадиий ҳаваскорлик жамоасининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

...Шаҳрисабздан 50 километр олисдаги Шўрхасан қишлоғида ташкил этилган фольклор-этнографик жамоаси аслида бундан бир неча йил илгари фаолият бошлаганди. Кейинчалик ҳаваскорлар турли сабабларга кўра чор-атрофга тарқаб кетишди.

- Яқинда қишлоқнинг кексалари ҳайрли ишга қўл урдилар, - дейди "Тоғ гули" фольклор-этнографик жамоасининг бадиий раҳбари Ҳайрулло Азизов. - Қишлоқ ёшлари бир мақсад йўлида жамоанинг қайтадан шаклланишига эришдилар. Эндиликда жамоамиз истеъдодли кексаю ёшлардан ташкил топган.

Пурвиқор тоғлари, яшил кенгликларнинг ўзи бир мавзу. Шу боис бу масканнинг одамлари ҳам гўё табиатидек танти. Йил бўйи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Қишлоқ тўйлари эса базмсиз, кўпкарисиз ва курашсиз ўтмаган. Қишлоқ аҳли тўпланишиб тонгга қадар қарсак чалишиб, байтлар айтишган, қизиқчилик қилишган. Раҳматли Жума қарсакчи, Сами ўйинчилар ҳам шу қишлоқ фарзанди. Улар ўз санъатлари билан айниқса тоғликлар орасида донг таратишган. Санъат севарлар эл-улус олқишларига сазовор бўлишгани ҳам рост. Турли авлод вакилларидан иборат ушбу жамоага Шаҳрисабз туман маданият саройи директори, иқтидорли режиссёр Абдуҳаким Элмуродов ҳамда 51-мактаб мусиқа фани ўқитувчиси Ҳайрулло Азизовлар раҳбарлик қилишмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродов, Жамшид Норов, Ғузор Бойтўраевлар ташкилотчилик қилаётган жамоа айни пайтда катта санъат йўлига кириб бормоқда. Хусусан, жамоанинг фаол аъзолари 80 ёшли Қўлдош Бобожўраев, 75 ёшли Турмон Қудратов, Жаббор Худойқулов, шунингдек, Муаззам Қобулова, Зулфиқор Самадов, Назокат Юсупова, Сайёра Шодмонова, Тўхтамиш Жалиловлар ижросидаги базм, қўшиқ ва ўланлар, байту лапарлар аллақачон эл назарига тушган.

Жамоа тақдим этаётган концерт дастурлари барчага манзур. Юлдузхон Жалилова ҳамда Шаҳзода Маҳматқуловаларнинг "Ҳа қирғизжон - ҳа қирғиз" ашуласи, Турмон бобо Қудратовнинг "Оҳ, бола-бола" рақси, Ихлим Қудратованинг "Учир-учир" лапарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинади.

"Тоғ гули"нинг Амир Темур хиёбонида намойиш қилган дастури ҳам барчани бирдек қувонтирди. Концерт жамоа салоҳияти ортиб бораётганини тасдиқдан ўтказди.

Ш. СУЛТОНОВ, "Ишонч" мухбири

ГУГУРТЛАР МУЗЕЙИ

Калуга шаҳрида антика музей очилган. Шу ғаройиб музейга кириб қолгудек бўлсангиз, гугуртларнинг ранг-баранглигини кўриб ҳайратланасиз.

Улкан печларга олов ёқадиган катта гугурт дейсизми, бор-йўғи икки сантиметр узунликдаги ихчам гугурт дейсизми, ёқилганда сигнал берадиган ва хилма-хил рангда товланадиган, ёмғирда ва қорбўронда ҳам ўчмайдиган гугурт дейсизми - ҳамма-ҳаммаси музей экспонатлари орасидан ўрин олган.

Гугуртлар дастлаб Россияга XIX асрнинг ўттизинчи йилларида келтирилган эди. Кўп ўтмасдан гугуртлар Россиянинг ўзидаги фабрикаларда ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Бундай корхоналар асосан Калуга губерниясида жойлашган эди. Рус олими З. Толлининг Қутбда олиб борган экспедициясида озиқ-овқат омборидан топилган ва ранги униқиб кетган қутидаги гугуртларнинг сифатлилигидан шаҳодат бера олади. Чунки 80 йилдан кўпроқ вақт давомида абадий музликда ётган гугуртни чақиб кўрсангиз, текис аланга билан ёниб туради.

А.АКБАРОВ тайёрлади

Футбол

ОУЭНГА 15 МИЛЛИОН ЕВРО



Хабар қилишларича, Англиянинг "Уиган" клуби эгаси Дэйв Уэлан айни кунларда Мадриднинг "Реал" клуби аъзоси ҳисобланган Майкл Оуэн учун 15 миллион евро тўлашга тайёр. Уэлан бу ҳақда Мадрид клуби раҳбарларига мурожаат қилиб, ўз таклифини имкони борича қисқа фурсатда кўриб чиқишни сўради.

Агар бу битим ижобий ҳал этиладиган бўлса, Оуэн янги клубда йилига 6 миллион евро маош олади.

Яна бир машҳур ҳужумчи Милан Барош шу пайтгача ўзи тўп сураётган "Ливерпул"ни тарк этиб, "Астон Вилла" клуби аъзосига айланади. Чехия терма жамоаси тўпурари учун "Ливерпул" хазинасига 6,5 миллион фунт стерлинг ўтказиб берилади.

Теннис

МАРИЯ ШАРАПОВА - БИРИНЧИ РАКЕТКА СОҲИБАСИ




Ўн саккиз баҳорни кўрган Мария Шарапованинг боши узра бахт қуши уча бошлади. У Аёллар теннис ассоциацияси рейтингини бошқариш шарафига муносиб кўрилган Россиянинг биринчи вакиласи бўлди.

Куни кеча эълон қилинган янги кўрсаткичга кўра Шарапова узоқ вақт жаҳоннинг теннисчи аёллари ўртасида биринчи бўлиб келаётган америкалик Линдсэй Дэвенпортни ортда қолдирди. Бугунгача россиялик спортчи ҳисобида 4452 очко бор, у Дэвенпортдан 152 очкога илгарилаб кетган. Учинчи ўринни франциялик Амели Моресмо (3718 очко) эгаллаб турибди.

Бокс

ХОЛИФИЛД ТАЙСОННИ КЕЧИРДИ

"Эринмаган одамлар-э, нималарни ўйлаб топишмайди-я" деган ибора сизга дарҳол "Маҳаллада дув-дув гап" кинофильмини ёдга солган бўлса керак. Ўта оғир вазнда тўрт карра жаҳон чемпиони Эвандер Холифилд ҳам кўнгилчанлик кўчасидан ўтишга қарор қилди. Ҳозирда Хиндистонда сафарда бўлган боксчи маҳаллий журналистларга берган интервьюсида 1997 йилнинг июнида Майк Тайсон билан юз берган можарога барҳам беришга, уни кечиришга қарор қилганлигини айтди. Ўшанда Тайсон икки марта Холифилднинг қулоғини тишлаб олган эди.



"Мен то ҳануз Тайсонни боксчи сифатида ҳурмат қиламан", - дея баёнот берди экс чемпион.

Тайсонни ҳурмат қилишини буюк боксчи Муҳаммад Али ҳам амалда исботлади. У Аризона штатидаги Парадайз Веллида 1,64 миллионга уй сотиб олди. Энди Муҳаммад Али Майк Тайсон билан бемалол борди-келди қилиши мумкин. Уларни икки мил масофа ажратиб турибди, холос.

Спорт оламида

Кўл тўпи

БАҲС ФРАНЦИЯ ФОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛДИ

2007 йилга режалаштирилган аёллар ўртасида қўл тўпи бўйича жаҳон чемпионати Францияда ўтказиладиган бўлди. Венгрия пойтахти Будапештда Халқаро Гандбол Федерацияси кенгашининг ўн етти аъзоси томонидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган мажлисда шундай қарорга келинди. Шундай қилиб, яна бир даъвогар-Хитой ўз режасини кейинга қолдиришга мажбур этилди.



2003 йилда Хорватияда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медал соҳибасига айланган французлар ўз унвонларини сақлаб қолиш учун яхши имкониятга эга бўлдилар.


Олимпиада

САРФ-ХАРАЖАТ КЎПАЙИБ КЕТМАЙДИМИ?

Ишончли манбалар орқали Британия ҳукуматига тақдим этилган маълумотларга қараганда, 2012 йилда ўтказиладиган Олимпиада солиқ тўловчиларга 4,9 миллиард фунт стерлингга тушади. Ўша йилга келиб ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1,9 миллиард фунт стерлингга қадар ўсиши мумкин. Бу демакки, Олимпиада ўтказиш натижасида 3 миллиард фунт стерлинг зарар кўрилади.

Лекин ҳукумат бу башоратни ҳақиқатдан йироқ деб баҳоламоқда. Шунинг учунки, эксперслар Олимпиада кунларида сайёҳлик хизматларидан келадиган даромадни унутган кўринадилар. Қолаверса, қурилиш бизнеси ҳам шу баҳонада катта улушга эга бўлади.

З. РИХСИЕВ тайёрлади




БИР ЙЎЛА УЧТА КОЛЛЕЖ

Зомин туманининг Пишоғор қишлоғида бунёд этилаётган агроиктисодиёт коллежи, Зафаробод туманининг С.Синдоров номли агрохизмат маркази ҳудудидаги агрохизмат коллежи ва Ғаллаорол туманининг Маржонбулоқ қишлоғида қурилаётган транспорт ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Лалмикор кўрғонида бунёд этилаётган Маржонбулоқ касб-ҳунар коллежида қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Акром Раҳмонқулов бошқарувчилик қилаётган «Камол» кўп тармоқли қурилиш корхонаси бунёдкорлари томонидан ҳозиргача 80 фоиздан зиёд қурилиш ишлари бажарилди. 720 ўринли коллеж қурилишида лойиҳа бўйича 2 миллиард 29 миллион 800 минг сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. Бу ерда 50 ўринли ётоқхона, ўқув корпуси, ёпиқ спорт зали, волейбол, баскетбол, футбол майдончалари, 280 ўринли мажлислар зали, 140 ўринли ошхона бунёд этилади.

Айни пайтда ўқув масканларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири



ҚЎРИҚХОНА МАНЗАРАСИ

Чотқол биосфера давлат қўриқхонаси ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Шу давр мобайнида биохилмахилликни таъминлаш, соф экологик муҳитни яратишга ҳам катта аҳамият берилди.

Бугунги кунда 35 минг 724 гектарлик майдонни ишғол қилган бу яшил ҳудудда уч минг хилдан ортиқ ҳайвон турлари, юзлаб ўсимлик навлари маскан топган. Бундан ташқари, қўриқхонанинг табиатини муҳофаза қилиш салоҳиятини ошириш йўлида ҳам кўп ишлар қилинди.

Унинг ана шу кенг кўламли фаолияти қўриқхона музейи экспозициясида ўз аксини топган. Ранг-баранг экспонатлардан иборат бу музей яқинда туб таъмирлашдан чиқди. Унинг янги сўлим гўшалари юзага келди. Гербарийлар коллекциялари сони янада ортди. Булар янгидан ташкил этилган музей экспозициясининг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Бу каби бунёдкорлик ишлари учун халқаро глобал экология жамғармаси катта миқдордаги грант маблағини ажратди.

"ШАРҚ ПОЭТИКАСИ"

Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигига республикамиз рассом ва ҳайкалтарошлари ҳам катта тараддуд кўришмоқда. Она диёримизни мадҳ этувчи мавзуда яратилган энг яхши асарлар эса музейда янги ташкил этилган кўргазмадан ўрин олди.

"Шарқ поэтикаси" деган мавзуда уюштирилган мазкур бадиий экспозиция томошабинларда қизиқиш уйғотади. Улар Шарқ тасвирий санъатига доир қатор дурдона асарлар билан ҳам яқиндан танишадилар. Экспонатлардан бир нечаси эса бундан олдин четда ташкил этилган халқаро кўргазмалардан ўрин олган эди. Ҳиндистон, Франция, Италия, Германия каби мамлакатлар санъат мухлисларида ҳам бу ижод намуналари яхши таассурот қолдирган.

Хабарлар оқимидан

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИДАН ДАРСЛИК

Кейинги йилларда замонавий педагогик технология асосида қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. "Ўзбек диалектологияси" деб номланган дарслик ҳам янги нашрлардан бири сифатида чоп этилди.

Дарсликда ўзбек шевалари ва лаҳжалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. Адабий тилнинг лексик-грамматик қонун-қоидаларини ўрганишда ўзбек лаҳжаларининг тутган ўрни ҳам инсонлар орқали таҳлил қилинган.

Шу билан бирга муаллифларнинг ўзбек тили диалектологик атласини тузиш билан боғлиқ фикрлари ҳам баён этилган.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация хизматлари фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳам бу борада яхши кўрсаткичларга эришилди.

"2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳақида гапирилди. Айни вақтда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар, амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларга ҳам эътибор қаратилди.

"Ўзбекистон почтаси" акционерлик жамияти, "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясида амалга оширилган ишлар ҳам сарҳисоб қилинди. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида телефон алоқасини замонавийлаштириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

А. АЛИЕВ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 23456